



THE DISTINCTIVENESS OF ALFRED ADLER'S PHILOSOPHICAL POSITION

Davron Nuriddinovich Khujaev

Doctor of Philosophy in Philosophical Sciences (PhD)

Senior Lecturer, Department of Philosophy

Faculty of Social Sciences Mirzo Ulugbek

National University of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Alfred Adler, individual psychology, striving for superiority, inferiority feeling, social interest, lifestyle, creative self, philosophy, psychology, humanism.

Received: 30.05.25

Accepted: 01.06.25

Published: 03.06.25

Abstract: This article examines the philosophical position of Alfred Adler, who had a profound impact on the fields of psychology and philosophy. From a philosophical perspective, it revisits the core concepts of Adler's individual psychology, such as "striving for superiority," "feeling of inferiority," "social interest," "lifestyle," and the "creative self." The paper also analyzes Adler's disagreements with Freud and explores Karl Popper's reflections on his theory. Special attention is given to the humanistic foundations of Adler's philosophy and its role in fostering humane relationships within society.

АЛЬФРЕД АДЛЕР ФАЛСАФИЙ ПОЗИЦИЯСИНING ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Даврон Нуриддинович Хўжаев

“Фалсафа” кафедраси катта ўқитувчиси,

фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий

университети Ижтимоий фанлар факултети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Альфред Адлер, индивидуал психология, устунликка интилиш, тўлиқ қимматга эга эмаслик туйғуси, ижтимоий манфаат, ҳаёт услуги, креатив Мен, фалсафа, психология, инсонпарварлик.

Аннотация: Ушбу мақолада психология ва фалсафа соҳасида катта таъсирга эга бўлган Альфред Адлернинг фалсафий позицияси таҳлил этилади. Адлернинг индивидуал психологияси, инсон шахсиятига оид қарашлари, «устунликка интилиш», «тўлиқ қимматга эга эмаслик туйғуси», «ижтимоий

манфаат», «ҳаёт услуби» ва «креатив Мен» каби тушунчалари фалсафий нуқтаи назардан қайта ўрганилади. Шунингдек, Адлернинг назарияси Фрейд билан бўлган қарама-қаршиликлари ва Карл Поппернинг унинг таълимоти ҳақида билдирган мулоҳазалари орқали ҳам ёндашув қилинади. Адлер фалсафасининг инсонпарварлик асослари ва жамиятдаги инсоний муносабатларни ривожлантиришдаги ўрни очиқ берилади.

ОСОБЕННОСТИ ФИЛОСОФСКОЙ ПОЗИЦИИ АЛЬФРЕДА АДЛЕРА

Даврон Нуриддинович Хужаев

Старший преподаватель кафедры философии

Факультета социальных наук Национального

университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Доктор философии по философским наукам (PhD)

Тошкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Альфред Адлер, индивидуальная психология, стремление к превосходству, чувство неполноценности, общественный интерес, стиль жизни, творческое Я, философия, психология, гуманизм.

Аннотация: В данной статье рассматривается философская позиция Альфреда Адлера, оказавшего значительное влияние на развитие психологии и философии. С философской точки зрения переосмысливаются ключевые понятия индивидуальной психологии Адлера, такие как «стремление к превосходству», «чувство неполноценности», «общественный интерес», «стиль жизни» и «творческое Я». Также анализируются разногласия между Адлером и Фрейдом, а также суждения Карла Поппера о его учении. Особое внимание уделяется гуманистическим основам философии Адлера и её роли в развитии человеческих отношений в обществе.

Кириш

Инсон табиатини тушуниш, унинг ички дунёси ва жамиятдаги фаолиятини изоҳлаш фалсафа ва психология фанларининг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. XX аср бошларида бу масалаларни тадқиқ қилишда янги ёндашувларни таклиф этган олимлардан бири — австриялик мутафаккир ва психиатр Альфред Адлер бўлди. У ўзининг индивидуал психология назарияси орқали инсоннинг ҳаётий максади, ижтимоий муҳит билан боғлиқлиги, ички муаммолари ва креатив имкониятларини илмий асосда изоҳлашга ҳаракат қилган.

Адлернинг фалсафий позицияси инсонни ижтимоий мавжудот сифатида қарашга асосланади. Унинг таълимоти шахснинг ички дунёси ва ташқи муҳит билан алоқасига алоҳида эътибор қаратиши билан ажралиб туради. Шу боис, Адлер назарияси нафақат психология, балки фалсафа, педагогика ва ижтимоий-гуманитар фанлар учун ҳам катта аҳамиятга эга. Мазкур мақолада Адлернинг инсонга оид фалсафий қарашлари, уларнинг замонавий фанга таъсири ва аҳамияти таҳлил қилинади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Альфред Адлернинг ижодини ўрганган олимлар қаторига Р.А.Валеев, Л.Хелл, Зиглер, К.Холл, Г.Линдсей, Х.Л. Ансбахер ва бошқаларни киритиш мумкин. Хорижий манбаларда Адлер чуқурроқ ўрганилган. Хусусан бу борада Австрия индивидуал психология жамияти фаолияти доирасида, шунингдек АҚШдаги Адлер институти, Нью-Йорке ва Чикагода кенг доирадаги тадқиқотлар амалга оширилади. Бу мамлакатлардан ташқари адлерчилар гуруҳлари кўпгина Ғарбий Европа мамлакатлари бўйлаб кенг тарқалган. Уч йилда бир адлерчилар миллий ташкилотларидан тузилган Халқаро ассоциация съезди ўтказилиши бунинг ёрқин исботидир.

Таҳлил ва натижалар. Адлернинг индивидуал шахс назарияси, сохта финализм (Адлер фикрича, инсонни асосий мақсади, шахс ҳаёти юналишини аниқловчи, ҳақиқат билан ўзаро муносабатини текширишни иложи йўқ сохта мақсадни ўзида намоён қилади), устунликка интилиш (Адлер биринчи навбатда барча одамлар интилаётган охириги мақсад сифатида ҳокимиятга интилишни айтади. Кейинроқ у “устунликка интилиш” термини фойдасига, “ҳокимиятга интилиш” терминидан воз кечади. “Устунликка интилиш фақатгина юқори ижтимоий мақомга ёки раҳбарликка эришишдан иборат бўлмайди, устунликка интилиш бу умумий ўсишга интилиш”[1, 240-бет], “пастдан юқorigа қараб ҳаракатланиш”. Шу йўл билан устунликка интилишни, ҳар бир инсоннинг ўзига боғлиқ, ўзича амалга ошириши мумкин бўлган, кўпгина усуллар билан ифодалаш мумкин), бадал ва тўлиқ қимматга эга эмаслик туйғуси (тўлиқ қимматга эга эмаслик туйғуси бу ўзининг ижтимоий ёки психологик ночорлигидан ташвишланиши натижасида юзага келадиган туйғу билан боғлиқ. У ҳаётнинг барча жабҳасида комил эмаслик ёки нуқсонни хис қилиш натижасида юзага келади. Тўлиқ қимматга эга эмаслик туйғуси деярли барча одамларга хос), ижтимоий манфаат (ижтимоий манфаат (ёки умумийлик хисси) Адлер қарашича кооперацияга, гуруҳ билан ўхшашликка интилиш, эмпатияни намоён бўлишини ўзида мужассам этади.

Ижтимоий манфаатнинг туб мазмуни инсонларнинг ижтимоий фойда, шахсий даромад, ўз шахсий эҳтиёжларига бўйсунуш тенденциясида ифодаланади), ҳаёт услуби (ҳаёт услуби нима деганлиги аниқлаш етарлича қийин, Адлер ҳам бу тушунчани ўз ишида

турлича ўйлаган. Ҳа, барча одамлар устунликка эришишда умумий мақсадга эга, аммо унга эришиш йўли турлича. “Ҳаётий услуб ўзида инсон фазилатларини мужассам этиб, ҳуқ ва одат усулларини биргаликда олганда индивид мавжудлигини такрорланмас образини намоён қилади”[2, 154-бет]. Инсонни барча ҳуқ уни ҳаётий услуби орқали аниқланади), креатив “Мен” концепцияси (креатив “Мен” концепцияси Адлернинг шахс назариясида энг муҳим ва энг охириги (шунингдек хронологик тартибда ҳам) элемент бўлади. Креатив “Мен” ғоясига кўра, инсон ўз шахсини ўзи яратади. Ирсият ва хаттоки субъектив ҳаётий тажриба фақатгина инсон ўз шахсини қурадиган анжом ҳисобланади. Маълум бўладиган хаттоки Адлер учун ҳам ҳаётий услуб каби энг муҳим тушунча креатив “Мен” га бўйсунди. Ҳаёт услуби шахснинг ижодий қобилиятлари таъсири остида шаклланади. Демак ҳар бир инсон ўзининг шахсий ҳаёт услубини эркин ярата олади) ва бошқа шу каби муаммоларни тадқиқ қилганлар. “Адлернинг тарбия амалиётида индивидуал психология тажрибасини қўллаш педагогик технологияси О.Шпилнинг “Тарбия бошқаруви” китобида ўз аксини топган, мазкур асарда у Адлер шогирди ва давомчиси сифатида Вена экспериментал мактаби тажрибасини баён қилган” [3,19-бет].

А.Адлер неврозларнинг келиб чиқишига оид ўз назариясини илгари суриб, Фрейдча ёндошувни кенгайтиришга ҳаракат қилади. А.Адлер фанда индивидуал психология ғоясини кўтариб чиқиб, шахснинг ижтимоий детерминантларига алоҳида эътибор қаратади. Шунинг учун ҳам Адлер ижодини бевоиста ўрганмаган бўлсада, Карл Поппер унинг қарашлари фалсафа ва фан тараққиёти муаммоларини ҳал қилишда айниқса илмий чегарасини аниқлашда қўл келишини алоҳида таъкидлаб ўтади. Шунинг учун ҳам Поппер ҳаққоний равишда тажрибавий синовдан Маркс, Фрейд, Альфред Адлер ва Эйнштейн таълимотлари тугул, умумий ҳақиқатга тўғри келмайдиган астрологик башоратлар ҳам ўтишини, мазкур назариялар катта тушунтириш (талқин этиш) кучига эга эканлигини асослашга ҳаракат қилади. Чунки барча факт ва тажрибалар мос келмаслиги боис ҳақиқий фан баъзиларини албатта ман этиши керак бўлади. Маркс, Фрейд ва Адлернинг назариялари барча фактларга мос келиб, ҳеч нарсани ман қилмаган ва аксинча, Эйнштейн назарияси барча фактларга мувофиқ бўлмаган ва Поппернинг фикрига кўра, айнан у ҳақиқий илмий назария деб аталади. Мамлакатимизда Альфред Адлернинг илмий-фалсафий мероси махсус илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган бўлса-да, унинг индивидуал шахс назарияси, Мен-концепцияси, психоаналитик қарашлари ва инсон тўғрисидаги таълимоти В.Алимасов, Г.Рўзматова, Ф.А.Абиджонова ва бошқа шу каби олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Жумладан, Г.Рўзматова фикрича, А.Адлернинг фалсафий, психологик, педагогик ва тиббий қарашларини ўз ичига олган инсон моҳиятига

оид қарашлари унинг “Индивидуал психологиянинг назарияси ва амалиёти” деб номланган асарида ўз ифодасини топган. Олим томонидан яратилган “индивидуал психология” таълимотининг ҳаёт учун энг зарур сабабларидан бири – инсонни мақсад сари интилишларининг мазмун-моҳиятини англашдир. “Ҳар қандай руҳий ҳодиса гарчи инсонни тушунишига йўл очса ҳам, фақат мақсадга интилиш сифатида талқин қилиниши мумкин” [4, 9-бет].

Олим фикрича кўп ҳолда мақсадга интилиш инсон томонидан англабмайди, лекин у инсоннинг ҳулқини белгилайди, йўналтиради ва “ҳаётий йўл”ини, “ҳаётий режа”сини ҳамда ҳаёт тарзини шакллантиради. Инсон ҳаёт йўлини гўдаклик чоғлариданоқ бошлайди. Шунинг учун, аввало гўдак ўсаётган муҳитни ўрганиш зарур. Гўдаклар катталар билан ўзини қиёслаш тасаввури пайдо бўлгандан бошлаб, биринчидан, ожизлик ва ёрдамга муҳтожлик ҳисси пайдо бўлади, иккинчидан, гўдак онгсиз равишда ўзини бошқа болалар ҳамда катталарнинг ўзига бўлган муносабати билан таққослайди. Бу қиёслаш объектив ёки субъектив тарзда унинг фойдасига бўлмаслиги мумкин. Учинчидан, унда жисмоний нуқсонлар бўлиши мумкин. Бу уни бошқа болалардан ажратиб туради. Шунинг учун у ўз заифлигини англайди. Буларнинг ҳаммаси йиғилиб кейинчалик “патоген (қусурли) гўдак” вазиятига олиб келади ва ривожланиб, тартибли номукаммаллик ҳиссиётини чуқурлаштиради. Шунинг учун гўдак ёшлик чоғиданоқ номукаммаллик ҳолатидан қутулишни истайди. А.Адлер буни “неврозлик оронжировкаси” (асабийлик безаниши), деб атайди. Шахс онгсиз равишда асабийлик белгиларини намоён қилиб, Адлер таъбири бўйича, “касаллик орқасига беркиниб” ўз мақсадига эришишни хоҳлайди [2, 144-бет]. А.Адлер фикрича, бундай “номукаммаллик”ни бартараф қилиш

мақсадида инсонга инсоният яхлитлигининг зарурийлиги бўлган ижтимоийлик, жамоавийлик ҳиссини сингдириш керак. Шу тариқа инсонлар ўртасидаги муҳаббат, ҳайрихоҳлик, дўстлик, яхшилик тилловчи мутаносиб, беманфаат ахлоқий муносабатлар келиб чиқади. Айнан ижтимоийлик ва жамоавийлик ҳиссиётини ривожлантиришни, ҳукмронликка интилишдан қутулишни А.Адлер индивидуал психологиянинг вазифаси, деб билади. “А.Адлернинг таъкидлашича, инсон бир томондан, биологик жиҳатдан тўлиқ бўлмаган мавжудот сифатида намоён бўлиб, ўз номукаммаллигини “етукликка интилиш” орқали қоплашга ҳаракат қилса, иккинчи томондан, ижтимоий мавжудот сифатида бутун инсониятнинг бир қисми эканлигини ҳис қилади”[2, 174-бет].

Хулоса қилиб айтганда, А.Адлернинг шахс назарияси, индивидуал шахс назарияси ёки индивидуал психология сифатида машҳурдир. Бу назария ҳам анъанавий тарзда психоаналитик юналишга таълуқли, ҳақиқатда ҳам индивидуал психологиядаги кўпгина

қоидалар, Фрейд назариясини антитезиси сифатида вужудга келган. А.Адлер назарияси мантиққа зид равишда эшитилса ҳам, ўз табиати бўйича ва асосий концептуал қоидаси бўйича замонавий инсонпарвар психологиянинг олдиндан хабар берувчиси ва даракчиси сифатида қўрилиши мумкин. Шундай қилиб, Адлернинг назариясида ҳаётнинг услуби ҳам, ижтимоий манфаатни ривожланишини ҳам, ҳаётнинг мақсади ва хаттоки унга эришиш усуллари асосий сабаби айнан креатив “Мен” бўлади деб кўрсатилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Адлер А. Практика и теория индивидуальной психологии. Серия: Психологические технологии Пер. с англ. А. Боковой Академический Проект, 2015.
2. Рўзматова Г. Фрейдизмда инсон фалсафаси таҳлили. –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2009.
3. Қаранг: Личность в традиционном Китае. – М., 1992.
4. Адлер А. Практика и теория индивидуальной психологии. –М.: Фонд “За экономическую грамотность”, 1995.